

«Путра» ва Кристал масжиди



09:30 / 08.04.2021 1735

Малайзиянинг Путражая шаҳрида жойлашган Путра масжиди оч пушти рангга эга бўлгани учун ноёб ибодат жойи ва қисман муҳим сайёҳлик маскани ҳисобланади. Бинонинг катта қисми, жумладан, кенг гумбаз пушти гранитдан ясалган. Бу дунёдаги энг таниқли пушти масжид эмас. Лекин у Малай ва Яқин Шарқ дизайни услублари аралашмасининг ажойиб намунасидир.

«Кристал» масжиди

Кристал масжиди Малайзиядаги яна бир масжид ва Теренггану шаҳрида жойлашган. Бу мамлакатдаги энг машҳур сайёҳлик йўналишларидан биридир. Бинонинг пўлат, шиша ва биллур конструкцияси ва тунда намоиш этилган ранг-баранглиги билан ўзгача қурилган.



Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи